

АГРАР ЛОЙИҲАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Фахриддин Умар ўғли УМАРОВ

Доцент

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада инвестицияларга ижтимоий-иқтисодий наф келтиришга асосланган мақсадли қўйилмалар ва истикболда даромад олиш билан боғлиқ операцияларни мужассамлаштирувчи инвестицион жараён ҳамда харажатлар, жамғариш ва капитални ўсишини ўзида мужассамлаштирувчи категория сифатида таърифлар берилган. Шунингдек, аграр соҳада инвестицион фаоллик ва фаолият самарадорлигини баҳолашда қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик, инвестицияларнинг нисбий самарадорлиги иқтисодий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги, аграр иқтисодиёт, аграр лойиҳа, инвестиция, инвестицион фаоллик, кафолатланган ўсиш, қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик, инвестицияларнинг нисбий самарадорлиги.

ЗНАЧЕНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИЙ В АГРАРНЫХ ПРОЕКТАХ

Фахриддин Умар углы УМАРОВ

Доцент

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье дается определение инвестиционного процесса, включающего целевые инвестиции и операции, связанные с получением будущих доходов на основе социально-экономических выгод, а также категории, включающей расходы, сбережения и прирост капитала. Также проводится экономический анализ относительной эффективности инвестиций, направляемых в сельское хозяйство, при оценке инвестиционной активности и эффективности деятельности в аграрном секторе.

Ключевые слова: сельское хозяйство, аграрная экономика, аграрный проект, инвестиции, инвестиционная активность, гарантированный рост, относительная эффективность инвестиций, направляемых в сельское хозяйство.

Республикаимизда аграр соҳада амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида ташкилий-иқтисодий, ҳукукий ва ижтимоий ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва улар мулкани хусусийлаштириш, жамоа хўжаликларига асосланган мулкчилик шаклини ташкил этиш жараёнида қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, пировард мақсад қишлоқ хўжалигида мавжуд иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Тармоқда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийиб 28% яратилиб, деярли 30 % банд аҳоли айнан ушбу тармоқда фаолият олиб боради. Бундан ташқари ушбу тармоқ бугунги кунда глобал миқёсда долзарб муаммога айланиб бораётган жаҳон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг негизини ташкил қилувчи ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар етиштирилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги саноатнинг қайта ишловчи соҳалари учун хом ашё етиштириб бериб, ушбу жиҳатдан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимини барқарор ривожланиши учун ҳам ресурс базаси вазифасини бажаради. Демак, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Республикаимизнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноати, озиқ-овқат ва кимё саноати каби кўплаб тармоқларининг ривожланиш истиқболлари, иқтисодий ва молиявий аҳволи, бу бутун саноат салоҳиятининг ярмига яқини бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”да [1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги ПҚ 5009-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги [2] қарорида республикамизда аграр соҳани ривожлантириш, соҳанинг барча тармоқларида изчил ислоҳотларни олиб бориш мақсадида бир қатор вазифалар ва устувор йўналишлар белгиланган.

Ўзбекистонда аграр соҳадаги ислоҳотларни олиб боришда ушбу тармоқни барча мамлакатларда кузатилганидек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг амал қилишига эҳтиёжни вужудга келтиради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ёки қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фан сифатида ўрганилиб келинган. Ушбу фан таркибида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш масалалари фан таркибида ўрганилган бўлса ҳам, адабиётларда аграр соҳадаги ислоҳотларни олиб бориш қисман ёртитилган. Ушбу йўналишда иқтисодчи олимлар Ж.Пенсон, М.Л.Лишанский, Эндрю Барклей, Б.Чарлз, Б. Элдон, Т.В.Сладкова ва бошқа олимларнинг асарларида қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий ҳамда амалий асослари ўз ифодасини топган.

Хусусан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат ва кимё саноати тармоқлари каби саноатнинг қарийиб ярим тармоқларининг молиявий-иқтисодий ривожланиши бевосита қишлоқ хўжалигининг ривожланишига боғлиқдир. И.А.Минаков, В.А.Кундиус, Л.А.Третьяккаби иқтисодчилар, мамлакат миллий иқтисодиёти ва аҳолининг турмуш фаровонлиги айнан ушбу тармоқнинг ривожланишига чамбарчас боғлиқлигини таъкидлашади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашга доир масалаларини тадқиқ этишга мамлакатимиз олимларидан У.Умурзаков, Ч.Муродов, А.Абдуғаниев, Р.Ҳакимов ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Уларнинг фикрича, молиявий қўллаб-қувватлаш тизими, алоҳида иқтисодий агентларни молиявий таъминот тизимини маълум ноаниқликлар шароитида оптимал таъминлашни мувофиқлаштириш ҳисобланади. Иқтисодчи И.В.Зиятковскийнинг фикрича, молиявий қўллаб-қувватлаш

яҳлит тизим сифатида жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини барқарор ривожланишини молиявий таъминлаш учун қулай муҳит яратадиган молиялаштириш манбалари ва шакллари тизимидир [8].

Т.В.Соколская қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қуватлаш тизимида аниқлик киритиб, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларининг асосий ва айланма, хусусий ва қарз маблағлар билан таъминлаш, етарли ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун қулай молиявий шарт шароит яратиш тизими эканлигини таъкидлайди [9].

Иқтисодчи В.М.Опариннинг фикрича, маълум соҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд молиялаштириш тизими базасида амалга оширилади. Тадқиқотчи унинг уч асосий шакллари мавжудлигини эътироф этиб ўтган [10]. Булар: ўзини ўзи молиялаштириш, кредитлаш тизими ва ташқи молиялаштиришнинг бошқа бозор ва нобозор шакллари. Молиявий қўллаб-қувватлашнинг ушбу шаклларида фойдаланиш жамият ривожланишининг у ёки бу босқичларида ташкил қилинадиган оптимал муносабатларга таянади.

Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш асосида иқтисодиётни ривожлантириш ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш методологияси бўйича П.С.Осмоловская [5], қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсиши ва уларнинг молиявий хавфсизлиги тўғрисида А.Г.Аганбегян [3] ва аграр соҳада ишлаб чиқариш рискинни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни Нейфельдлар [4] ўз тадқиқотларида моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, корхоналар, тармоқларнинг ривожланиши, иқтисодий самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, келажакда уларнинг самарадорлиги юксалишини таъминловчи омиллар тўғрисида илмий изланишлар олиб боришган.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларини ўрганиш натижасида аграр соҳадаги ислохотларни давлат томонидан қўллаб-

қувватлашнинг механизмлари чуқур ўрганилмаганлигини кўрсатди ва бу, ўз навбатида, мавзу доирасида тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Кўпгина тадқиқотчилар аграр соҳанинг ривожланиши ва унинг умуман ижтимоий-иқтисодий ўсишга таъсири муҳимлигини таъкидлайдилар. Масалан, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ҳалқаро ташкилоти (FAO) тадқиқотчилари иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қараганда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсиш нисбатан юқори мультипликатив таъсирга эгалигини таъкидлаб, глобал қашшоқликни камайтиришда бошқа тармоқларга нисбатан юқори аҳамиятга эгалигини таъкидлайди.

Бу албатта, аввало юқори қўшилган қиймат занжирига асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган модернизациялаш сиёсати ҳисобига истиқболда интенсив ишлаб чиқариш тизимини жорий қилиш орқали:

а) аҳолининг кенг қатлами учун ижтимоий таъсирга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

б) саноатда қайта ишланадиган маҳсулотларни етиштириш орқали саноатнинг истиқболли ривожланиши учун муҳим ва сифатли хом-ашё базаси ролини ўйнашида;

в) тармоқ ривожланишини таъминлаш орқали қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринларини яратиш ва уларнинг реал даромадларини ошириш;

г) қабағалликни қисқартириш;

д) қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш каби имкониятлари орқали ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотинининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) тадқиқотчилари шундай хулосага келишганки, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсишнинг ҳар бир фоизи камбағаллик ўртача даражасини 1,5 фоизга қисқартириш имкониятларини беради.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш тенденцияси номинал мазмунда ўсиш тенденциясини намоён қилган. Чунки, саноат ва хизматлар соҳаси каби нисбатан юқори қўшилган қиймат даражасида қишлоқ

хўжалигида яратиш имкониятлари чекланганлигига қарамасдан, мамлакатимиздаги тармоққа хос бўлган улкан имкониятлар ҳамда тармоқда яратилган маҳсулотларга бўлган аҳолининг реал ижтимоий эҳтиёжлари ушбу тармоқни ҳам ривожлантириш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этган.

Кейинги даврларда (2017 йилдан кейинги давр назарда тутилмоқда) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва уни интенсив ривожлантириш курсига ўтказиш масаласида бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

1-жадвал

Замонавий шароитларда қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг концептуал асослари


№	Ислохотларнинг йўналиши	Мақсади
1.	Кластер тизимига ўтиш	Ишлаб чиқаришни ягона занжирга ўтказиш
2.	Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш	Фермер хўжаликлари фаолиятини универсallasштириш, кенг масштабдаги ривожланишини таъминлаш
3.	Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик дастури	Стратегик дастур яқин истиқболга тармоқни ривожлантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш мақсадида шакллантирилди.
4.	Қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш билан боғлиқ давлат харажатларини диверсификация қилиш.	Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектларини молиявий барқарорлаштириш, тўлиқ хўалик мустақиллиги принципи асосидаги фаолиятни ривожлантириш орқали ўз ўзини молиялаштириш тизимига тўлиқ ўтиш.

Манба: муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

1-жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2017 йилдан кейинги даврда қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ва умуман қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг марказида кластер тизимини жорий қилиш турганлигини таъкидлашимиз мумкин. Пахтачилик–текстил(тўқимачилик), ўсимликшунослик, сабзавотчилик, гўшт-сут ва бошқа кенг доирадаги кластерлар тизимига асосланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизими бир қатор афзалликларга эгадир.

Кластер тизими орқали ярим тайёр маҳсулотлардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини бирлаштириш орқали ягона ишлаб чиқариш занжирини ўзида мужассамлаштирувчи комплекс ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида ифодалайди. Қишлоқ хўжалигида кластер

тизимининг киритилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри ишлаш орқали хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари билан мустақам занжирини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.



1-расм. Кластер тизими шароитида фермер хўжаликлари муносабатлари тизимининг ташкилий тузилмаси.

1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, кластер тизимигача фермер хўжаликлари етиштирган пахта ҳосили бўйича шартномани (1) “Узпахтасаноат” акциядорлик жамияти билан тузган. Текстил корхоналари учун эса пахта толасини “Узпахтасаноат” акциядорлик жамияти (3) таъминлаб берган бўлса, кластер тизими шароитида эса фермерлар тўғридан-тўғри текстил корхоналари билан шартномаларни (2) имзолаш имкониятига эга бўладилар. Қишлоқ хўжалигидаги кластер тизими асосан икки йўналишда ташкил қилиниши кўзда тутилган. Биринчиси, фермерлар текстил корхоналари билан тўғридан-тўғри шартнома (4) имзолаш имкониятига эга бўладилар. Иккинчи ҳолатда эса текстил корхонасининг ўзи катта салоҳият билан фермер хўжаликларини ўзи шакллантириш имкониятларига эга бўлади.


Ушбу механизмнинг жорий қилиниши фермер хўжаликларини кўп профилдаги фаолиятини ривожлантириш имкониятларини яратмоқда. Кўп профилдаги фермер хўжаликлари нафақат аҳолининг бирламчи эҳтиёжлари учун зарурий истеъмол маҳсулотлари ёки саноатда қайта ишланадиган

махсулотлар ишлаб чиқаради, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва кенг доирадаги турли хизматларни тақдим этувчи универсал хўжалик субъекти сифатидаги ривожланишини кўзда тутади.

Кўп профили фермер хўжаликларини ташкил қилиш қишлоқ жойларида ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг бош қафолати ҳисобланади. Чунки кўп профили фермер хўжаликлари нафақат қишлоқ аҳолиси учун кундалик истеъмол товарлари – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тақдим этади, балки улар саноатда қайта ишланадиган маҳсулот ва хизматларни ҳам тақдим этиши имкониятларига эга бўлади. Қолаверса, улар фаолиятининг кенг доирадаги ривожланиши ҳозирги кунда долзарб бўлган қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш, замонавий иш ўринларини яратиш имкониятларини вужудга келтиради.

Шунингдек, текстил корхоналари қишлоқ хўжалигининг нафақат жорий ривожланиши, балки улардаги ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан модернизациялашга ҳам молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятига эга бўладилар.

Юқори технологик машина ва техникалар билан жиҳозланган паркларнинг вужудга келиши қишлоқ хўжалигидаги долзарб муаммолардан бири бўлган таннархни иқтисод қилиш ва рентабеллик кўрсаткичларини оширишни таъминлайди.



2-расм. 2020–2030 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5853-сон Фармони билан “2020–2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланиб, ушбу Фармонга асосан 2020 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик истиқболли йўналишлари 2-расм маълумотларида келтирилган: 2020–2030 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари марказида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш туриши табиий ҳолдир. Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий эътибор уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш назарда тутилиб, аҳолининг кенг ижтимоий қатламлари учун зарурий миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назарда тутадиган озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, экологик тоза табиий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб

чиқариш ва аҳолининг кенг эҳтиёжларини таъминлаш орқали рўёбга чиқарилади. Ушбу масала нафақат миллий миқёсдаги, балки глобал даражадаги долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланишига салбий таъсир этувчи асосий омил асосий маҳсулотга нисбатан давлат буюртмаларининг мавжудлиги ва ушбу буюртмалар бўйича белгиланган қайд этилган нархларнинг амал қилиши ҳисобланар эди. 2020 йилда дон маҳсулотларига давлат бюртмаси 25 фоизга қисқариб, 2021 йилдан давлат харидлари учун умуман нархларни белгилаш, хусусан, пахта хом ашёси учун нархларни белгилаш амалиёти бекор қилинди.

2020–2030 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, *юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш белгилаб олинган бўлиб*, ушбу ислохотларни амалга ошириш орқали аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб беришдаги баҳолар паритетининг бузилиши ҳолатларининг олди оlinиши ва уларда бозор даражасидаги тармоқ рентабеллигини таъминлаши мумкин.

Ушбу ислохотлар натижасида 2030 йилга бориб қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерлар майдони 1,1 млн. гектарга ортиши кутилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги ўртача унумдорлик даражаси 1,7 баробарга ортиб, ҳар бир банд ишчи учун 6,5 минг АҚШ долларини ташкил қилиши режалаштирилган. Қайта ишланадиган маҳсулот ҳажмини 30 %гача ошириш орқали тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва экспортнинг номинал қийматини 20 млрд. долларга ошириш кўзда тутилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябр ПФ-5853-сонли Фармони. <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 феврал ПҚ 5009-сон қарори. <https://lex.uz>
3. Аганбегян А.Г. Устойчивый рост сельского хозяйства и его финансовое обеспечение // Деньги и кредит, 2017. – №7.
4. Нейфельд О.П. Оценка управленческих рисков в аграрной сфере - важная задача мониторинга // Агропродовольственная политика России, 2016. – № 9. – С. 47-50.
5. Осмоловская П.С. Инвестиционное развитие сельского хозяйства региона // Текст научной статьи по специальности «Экономика и экономические науки» <https://cyberleninka.ru/article/n/investitsionnoe-razvitiie-selskogo-hozyaystva-regiona>.
6. Bodi, Zv., Merton R.K. (2013). Finance. – Moscow, Publishing House “Williams”, 2013. Bolshakov, S.V. (2006). Finance companies. Theory and practice. – Moscow: Book World, 2006. – 617 p.
7. Barulin, S.V. (2010). Finance. – Moscow, KNORUS, 640 p.
8. Zyatkovskyy, I.V. (2000). The financial support of business – Ternopol, Economic thought, 215 p.
9. Sokolska, T.V. (2014). Financial support for agriculture. Economy and management of agribusiness, issue 1, p. 140-146.
10. Oparin, V.N. (2001). Finance (general theory). – Kyiv, Kyiv National Economic University, 240 p.
11. Dikan, L.V., Holub, Yu.O. (2007). Financial support for the enterprise: the nature and source. Economy Development, issue 3 (43), p. 65–68.

12. Rajabov N. Zonal Policy Concept: Prospects For Effective Investment Climate Management //Экономика и образование. – 2022. – Т.